## МИЛЛАТЛАР КАНДАЙ ТАРАККИЙ ЭТАРЛАР?

Миллатлар тараккийига бир неча сабаблар бўлуб, туб сабаби уламо ила агниёнинг хамийят ва гайратларидур. Тараккий килгон ва ё энди тараккий килгувчи миллатлар ахволига диккат килинса, мазкур икки синф мухтарамни ўз миллатларига сўз ва окча ила хидмат этганлари фавран зохир бўлур.

Хар миллатнинг уламоси, ахли калами, мутафаккири ўз миллатининг ояндаси учун йўл кўрсатур, машварат берур, миллат ахлокининг ислохи учун масжидларда панд ва насихат берур, мактаб ва мадрасаларда дунё ва охиратда керак илм ва фан, таълим берарлар, китоб ва газет ила умматни муслихи учун бахс ва муколамалар килурлар.

Тараккий килгувчи миллатларнинг уламоси замондин бохабар бўлиб, ўз миллатининг "масолиха замонийя"си учун саъй этар, миллатни пешрафтига окча ила, хайрат ила иона килмокни миллат бойларига таклиф этар, ташвик ва тахрис этар. Хулоса, хар миллатни уламоси, ахли калами миллат учун сўйлар, ёзар ва хавоижи миллийа ва замонияни ўз миллат мансубасига билдирарлар. Замона агниёлари ўз миллатларини замонийча кераклиги йўлинда окча сарф этарлар, масалан, янги усулда замонавий мактаблар бино этиб, замонийча одам тайёрламок учун харакат этарлар.

Хукуматни ўрта ва олий мактабларига ўкийдургон ўз миллат болаларига ионат этарлар. Ва бечора хамжинсларини диний ва дунёвий мактабларига беруб, ўз харажатлари ила ўкутадурлар.

Рус, армани, яхудий ва бошка Русиядаги ватандошларимизни бойлари доимо ўз миллатлари учун катта хайр ва эхсонлар киладурлар, инчунин, Кафкоз, Кирим, Козондаки мусулмон б练одарларимизни бойлари, уламоси ва ахли калами, сохиби фикри ўз биродарларига мол, окча, калам ва илм ила кўб иона киладурлар.

Аммо бизни Туркистонда бу ишлардин сўйламокка хануз навбат келган йўк. Хар ким ўз нафъи ва ўз шахсий иши ила саргардон, умумий ёинки диний ва миллий ишларни ояндаси учун, миллатни замона одамларидек тараккий этмоги учун, халойикни ислох

ахлоки учун гам тортувчи ва харакат этгувчи йўкдир.

Бир карра диккат килиб, махалла-кўй ва кишлок халкларига каралсун. Авомлик, беилмлик накадар кўпайган. Биз мусулмонмиз. Мусулмонликга илм лозим, амал лозим. Ўкумок керак, нима учун бошка миллатларда юза бир нафар бесавод йўк экан, биза юза бир нафар саводлик йўк?

Бошка миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники хаммолликда ва гадойликда. Бошка миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомга тобеъдур? Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттуз сана сўнгра яна ёмонрок бўлур, мусулмонлик, илм ва одоб ила коим миллат ахлок, фазл ва хунар ила бокий колур.

Бугун ислохи мактаб-мадраса, яъни ислохи миллатга кўшиш килинмаса раби аср сўнгра диёнат барбод бўлур ва анинг жавоби масъулияти бугунгиларга колур, бу масъулиятдин кутулмок учун миллатни диний илм ва дунёвий илм-фанлар ўкумок учун таргиб килмок геракдур. Диний илм ва фанларнинг ўрни мактаб ва мадрасадур.

Дунёвий фанларни ўрни хукумат мактабларидур, иккисига ўкумок учун окча лозимки, ул окча бойларни киссайи хамиятидан чикса керак.

Хар замон учун асбоби ислох ва тараккийи ионат бошкарур. Миллатга ионат этмок учун, ислохи мактаб ва мударрис учун, русий мактабларига бола тайёрламок учун, дехкон ва санъаткорларни ривож бермок учун "хамийяти хайрия", "нашри маориф", кироатхоналар, фўндлар, куружуклар, жаридалар, мажаллалар, нашриётлар... керакдур. Миллатлар тараккийси шул ила бўлур ва бу ишларга окча геракдур, окча бойларда ва афродда!

Маро ба тажриба маълум шуд даро хар кор,

Ки кадри мард ба илм аст кадри илм ба мол.

(Маъноси: менга тажрибадан маълум бўлдики, одамда канчалик илм бўлса хам илмнинг кадри молдадур*).*

*"Самарканд" газетаси, 1913 йил, 30 июл.*